



ТАДБИРКОРЛИҚДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Казаков Олим Сабинович, профессор
Наманган мухандислик технология институти

Аннотация. Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш ҳамда улар томонидан рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши учун биринчи навбатда уларда инновацион фаолиятни йўлга қўйиш талаб этилади. Мақолада тадбиркорлик фаолияти ва ундаги инновацион бошқарув масалалари тадқиқ қилинган. Инновацион бошқарув самарадорлигини ошириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, бошқарув, инновациялар, инновацион бошқарув, фойда, самарадорлик.

Кириш (Introduction). 2022-2026 йилларга мўнжалланган Тараққиёт стратегиясида тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини 80 %га етказиш вазифаси қўйилган. Бу вазифани бажариш ҳамда истиқболда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда улар томонидан рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши учун биринчи навбатда уларда инновацион фаолиятни жадаллаштириш талаб этилади. Фақатгина замонавий инновацион технологиялар ва техника билан бу масалани амалга ошириш мумкин бўлади.

Инновациялардан янада кенгроқ фойдаланиш орқали ҳозирги вақтда фойдаланилмаётган имкониятларни ҳаракатга келтириш талаб қилинмоқда. Ушбу жараён ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини оширишга олиб келадиган асосий ва муҳим омил ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятида замонавий ва инновацион усуллари қўллаш фойдаланилмаётган имконият ва ресурсларни топишга ҳамда улардан самарали равишда фойдаланишга олиб келади, ишлаб чиқариш ҳажмини орттиришга, ишлаб чиқариш рентабеллигини юксалтиришга, бозорни зарур бўлган маҳсулотлар билан тўлдиришга ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга олиб келади.

Асосий қисм (Main part). Ўзгариб турган муҳитда ва глобаллашув шароитида тадбиркорлик корхоналарининг фаолиятида қатор мураккабликлар юзага келади. Рақобат курашига мос ҳолда фаолият кўрсата олмаётган тадбиркорлик корхоналари таназзулга юз тутмоқдалар. Улар бундай ҳолга тушмасликлари учун ўз фаолиятларини қайтадан кўриб чиқишлари ва ҳар ўзгарувчи омилга эътибор қаратишлари лозим. Тадбиркорлик корхоналарининг муваффақиятига таъсир кўрсатувчи омиллар ички ва ташқи турларга бўлинади. Ички омиллар уларнинг

мақсадлари, структуралар, мансаблар ва топшириқлар, фойдаланиладиган технология ва фаолият кўрсатувчи ходимлардан иборат бўлса, ташқи таъсир омиллари истеъмолчилар, рақобатдошлар, таъминотчилар, иқтисодиётнинг аҳоли, мамлакатдаги сиёсий вазият, ён-атрофдаги қўшни мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий вазият, мамлакатдаги қонунчилик ва бошқалардан иборат бўлади. Ушбу ички ва ташқи омиллардан ташқари яна бир муҳим ўзгарувчи бор бўлиб, у корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ёки хизматлар ҳамда корхонада амалга оширилаётган инновацияларнинг ҳаётий циклидир. Ҳар бир нарсанинг яшаш даври бўлади. Маҳсулотлар ва инновацияларнинг ҳам ҳаётий яшаш даври бор бўлиб, у ташкилотларнинг рақобатбардошлилигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Айниқса, инновацияларнинг ҳаётий цикли муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда инновациялар соҳасида тадқиқотлар ўтказиш муҳим тадқиқотлар қаторидан жой олди. Бу жараёнда инновацияларнинг ҳаётий цикли концепцияси инновацион бошқарув соҳасида муҳим роль ўйнайди. Бу соҳада самарали концепцияни яратишнинг асосий омиллари қаторида инновацияларнинг ҳаётий циклини таъкидлаб ўтиш зарур.

Инновацияларнинг ҳаётий цикли товарларнинг ҳаётий циклига қараганда кўпроқ давом этади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Ҳолиянинг туғилиши. Қидирув қа танлов ишларини амалга ошириш босқичи.
2. Инновацияларни яратиш.
3. Лаборатория синовларини ўтказиш.
4. Инновацияларни бозорга олиб чиқиш.
5. Ўсиш босқичи.
6. Етуклик даври.
7. Чўкиш, бозордан чиқиш даври.

Инновацион бошқарув концепциясини яхши билиш ва инновацияларнинг ҳаётий циклини бошқариш тадбиркорлик корхоналари самарадорлигини оширишга катта таъсир кўрсатади. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари менежерлари ўзларида қўлланилаётган ва амалга оширилаётган инновацияларни ҳаётий даврини бошқариш қобилиятига эга бўлишлари, уларда инновацион фаолиятни узлуксиз давом эттиришга олиб келади. Инновацияларнинг ҳаётий циклининг қисқариши ташкилотда инновацион фаолият жадал суръатларда амалга оширилаётганлигини билдиради. Тадбиркорлик корхоналаридаги менежерларнинг асосий вазифалари инновацион жараёни узлуксиз амалга оширилишига ва барча жамоа аъзоларининг бу фаолиятда тўла қатнашишини таъминлашдан иборат.

Натижалар ва муҳокама (Results and discussion).

Инновацион фаолият тадбиркорлик фаолиятининг моҳиятини ташкил қилиши керак. Шарафли номга эга бўлиш учун ҳар қандай шахс ўз устида ишлаши, янгиликларни қидириши, яратиши, изланиши лозим. Бозор иқтисодиётидаги кескин рақобат курашида енгиб чиқиб, яшаб қоламан деган тадбиркор инновацион фаол бўлиши, инновацион бошқарувни амалга ошириши керак. Бу ҳаётий зарурият ҳисобланади. Инновация – бу рақобат қонунидир, бозор иқтисодиётининг ўзига ҳос хусусияти бўлиб, усиз бозор тизими ҳеч қачон ривожланмайди.

Ҳар қандай тадбиркорда бир хил салоҳият бўлавермайди. Уларнинг инновацион салоҳиятини белгилашда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим.

1. Рағбатлар. Тадбиркорни инновация йўлида таваккал қилишга ундайди.
2. Имкониятлар. Тадбиркорни инновацияни амалга ошириш имконияти.
3. Чеклашлар. Тадбиркорнинг инновацион фаолиятини чеклайди, сустлаштиради.

Тадбиркор ўз фойдасини орттириш йўлида тинмай изланади. Бунинг учун, у сифатли, рақобатбардошли ёки умуман янги хил маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Бунинг учун у ўзидаги технологияни такомиллаштиради, инновацияларни жорий этади, яъни янгиликларни қидиради, топади, ўз корхонасида қўлайди. Тадбиркор инновацион лойиҳа устида шуғулланиши учун маълум имкониятларга ҳам эга бўлиши талаб қилинади. Унда қандайдир ўйлаб топилган янгилик ёки илмий-техникавий фаолият натижаси бўлиши керак. Тадбиркор қандайдир илмий муассасага топшириқ бериши, ички ёки ташқи бозордан тайёр лицензия сотиб олиши, патент тадқиқоти ўтказиши мумкин. Муаммо бўлса, олимлар ва тадқиқотчилар бу муаммо устида ишлайдилар ва ечимини топишга ҳаракат қиладилар. Шу сабабли, тадбиркор ўз муаммоларини илмий-тадқиқот муассасаларига етказиши лозим. Бундай ишларнинг ҳаммаси тадбиркорда маблағ бўлишини талаб қилади. Яратилган янгиликни жорий қилиш учун ҳам маблағ бўлиши керак. Бу ҳолда тадбиркор ўзида бор бўлган ресурслардан маблағлардан фойдаланиши, ўзида йўқ бўлган ҳолда кредит ресурсларидан фойдаланиши лозим.

Инновацион таваккалчиликнинг муҳим омилларидан бири илмий-техникавий фаолиятнинг узлуксизлигидир. Вақти-вақти билан янги турдаги маҳсулотлар, янги технологиялар яратилиши мумкин ва аввалроқ ишлаб чиқарилганлари тезда эскириши мумкин.

Инновацион бошқарувни амалга оширишда инновацион ҳамкорлик муҳим ўрин эгаллайди. Айрим тадбиркорлар инновацион фаолиятни амалга оширишда ресурс етишмовчилигидан, тажриба ва қобилият етарли эмаслигидан, илмий салоҳият пастлигидан қийналиб қоладилар. Шундай ҳолларда инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса (Conclusions). Тадбиркорлик корхоналарида инновацион бошқарув самарадорлигини ошириш учун биринчи навбатда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш керак. Тадбиркорликни бошқаришни такомиллаштириш қуйидаги уч йўналишда амалга оширилиши мумкин:

1. Менежерлар ўз вазифаларини, уларни бажариш йўллари ва самарали усуллари жуда яхши даражада билишлари ва амал қилишлари керак.
2. Бошқарув фаолиятини амалга оширилиши тартибини аввалдан ўрнатилиши ва унга қатъий риоя қилиниши керак.
3. Тадбиркорлик фаолиятини бошқарувининг воситаларини тўғри ўрнатилиши ва улардан фойдаланиш тартибини билиш керак.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Тошкент, "Ўзбекистон", 2022 йил.
2. Kazakov Olim Sabirovich Management of the economic power of business activities and its impact on its efficiency Journal of Pharmaceutical Negative Results, Volume 13 Special Issue 6, 2022 <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/issue/view/25>
3. Elnara Alieva, Olim Kazakov EFFECTIVE APPLICATION OF INNOVATIONS OF THE "THIRD RENAISSANCE" IN INCREASING THE COMPETITIVENESS OF SMALL BUSINESSES Namangan Institute of Engineering and Technology, Namangan, Uzbekistan Central European Management Journal, Vol. 30 Iss. 3 (2022) ISSN:2336-2693 | E-ISSN:2336-4890, Retrieved from https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl_cemj.index.html
- © Platform & Workflow by: Open Journal Systems.
4. Казаков О.С. Повышение эффективности использования экономических ресурсов. Journal of new century innovations. http://www.newjournal.org/Volume-22_Issue-1_February_2023
5. Казаков О.С. Управление результативностью производственных предприятий. Журнал "Экономика и социум" №1(104) 2023 www.iupr.ru
6. Kazakov Olim Sabirovich. Issues improvement management of production enterprises. INTERNATIONAL JOURNAL ON ECONOMICS, FINANCE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT E-ISSN: 2620-6269. <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD>. Vol. 5 No. 2 | February 2023
7. Казаков О.С., Валижанов Ш. Управление качеством продукции в условиях экономического кризиса. Международная научно-практическая конференция «Инновационный потенциал молодежи в современном мире», 19-20 апреля 2023 года. «Белорусский торгово-экономический университет потребительской кооперации».
8. Kazakov Olim Sabirovich. MANAGEMENT OF THE ECONOMIC POWER OF BUSINESS ACTIVITIES AND ITS IMPACT ON ITS EFFICIENCY. Journal of Pharmaceutical Negative Results | Volume 13 | Special Issue 6 | 2022 <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/article/view/5743/7083>
9. Казаков О. Тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш. Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi. 2023 – 7\2
10. Казаков О. Тадбиркорлик корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланиш масаллари. "Янги Ўзбекистон иқтисодиёти". Ўзбекистон Миллий Университети илмий журнали. № 5, 2023 йил.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

